

КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ БЎЙИЧА НОМУВОФИҚЛИКНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Кайпназарова Гульшад Хожамуратовна
Қорақалпоқ давлат университети доценти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18858327>

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қулай муҳит яратиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, корхоналарнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини ошириш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Корхоналарнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини кичик бизнес корхоналаридаги иқтисодий ресурс ёки жараёнларнинг ишлаб чиқариш омили мақомига мувофиқ келишини баҳолашнинг асосий мезонларини белгилаш, ҳудуддаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватловчи идоралар томонидан кичик бизнес корхоналари ўртасида ресурсларнинг ўзаро ҳаракатини мувофиқлаштирувчи гуруҳларни шакллантириш орқали ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги номутаносиблик ҳолатларининг олдини олиш ва фаолиятга салбий таъсир хавфини камайтириш, корхоналардаги ишлаб чиқариш омиллари мутаносиблиги даражаси, улардан фойдаланиш самарадорлигининг мунтазам мониторинги ва диагностикаси, корхонанинг жорий ва истиқболдаги иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича маслаҳат бериш хизматларини йўлга қўйиш, мамлакатдаги кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омиллари соҳа ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни тақозо этади.

Қорақалпоғистонда фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳолати ва уни таъминлаш муаммоларини ўрганиш мақсадида қатор корхоналар иштирокида ижтимоий сўровнома ҳамда монографик тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқот натижалари ишлаб чиқариш ресурсларини самарали тақсимлаш масаласи ҳудуддаги кўплаб корхоналар учун долзарб эканини кўрсатди. Хусусан, сўровда иштирок этган ходимларнинг катта қисми ўз корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасида номутаносиблик мавжудлигини таъкидлади. Айниқса, ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарда ушбу муаммо юқори даражада намоён бўлди. Бу ҳолат асбоб-ускуналар, хомашё, материаллар ҳамда инфратузилмага бўлган эҳтиёжнинг ўзгарувчанлиги ва ресурслар таъминотидаги узилишлар билан изоҳланади.

Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи корхоналарда номутаносиблик даражаси нисбатан паст экани аниқланди. Бунга сабаб сифатида моддий ресурсларга эҳтиёж камлиги ва меҳнат ҳамда ташкилий омилларининг устунлиги қайд этилди. Кўп тармоқли корхоналарда эса ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишлари ўртасида ресурсларни қайта тақсимлаш имконияти мавжудлиги туфайли муаммо мўътадил даражада сақланмоқда. Демак, фаолият диверсификацияси ишлаб чиқариш омиллари бошқаришда муайян барқарорликни таъминлайди.

Сўров натижалари яна шуни кўрсатдики, тадбиркорларнинг аксарияти ишлаб чиқариш омиллари мутаносиблигини таъминлашда маҳаллий давлат ва жамоатчилик

идоралари қўллаб-қувватлашини зарур деб ҳисоблайди. Бу эса кичик бизнесни ривожлантиришда институционал муҳит ва ташкилий ёрдам муҳим омил эканини тасдиқлайди. Хусусан, маҳаллий ҳокимиятлар, тадбиркорликни ривожлантиришга масъул идоралар ва савдо-саноат тузилмалари ресурслардан самарали фойдаланишга қўмаклашувчи асосий институтлар сифатида намоён бўлади.

Шу нуқтаи назардан, ишлаб чиқариш омилларини мувофиқлаштиришга қаратилган махсус механизмни жорий этиш таклиф этилди. Механизмнинг асосий мазмуни корхоналар ўртасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ва ресурслар ҳаракатини мувофиқлаштиришдан иборат. Биринчи босқичда ҳудуддаги корхоналар муайян ишлаб чиқариш омиллари бўйича гуруҳларга бирлаштирилади. Иккинчи босқичда ўхшаш хомашё ва материаллардан фойдаланувчи корхоналар электрон платформа орқали ўзаро маълумот алмашиш имкониятига эга бўлади. Бу орқали ресурс етишмовчилиги ёки ортиқчалиги юзага келганда тезкор равишда ҳамкорлар топиш мумкин бўлади.

Учинчи босқичда ушбу жараёни мувофиқлаштирувчи мониторинг маркази ташкил этилиб, у маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш орқали муаммоларни бартараф этишга қўмаклашади. Агар корхоналар ўзаро келишув орқали муаммони ҳал қила олмаса, марказ томонидан иқтисодий ҳисоб-китобларга асосланган тавсиялар ва амалий чоралар таклиф этилади. Шунингдек, ресурслар захираси шакллантирилиб, зарурат туғилганда хомашё етказиб бериш ёки ортиқча ресурсларни харид қилиш орқали бозор мувозанати таъминланади.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омилларини самарали бошқариш фақат ишлаб чиқариш жараёни билан чекланиб қолмасдан, унинг тайёргарлик ва режалаштириш босқичларини ҳам қамраб олиши лозим. Бизнес-ғоя ва бизнес-режани пухта ишлаб чиқиш, ресурсларга бўлган эҳтиёжни олдиндан баҳолаш ҳамда уларнинг мутаносиблигини мунтазам мониторинг қилиш корхоналар самарадорлигини оширади. Таклиф этилган механизм эса ресурслардан тўлиқ фойдаланишни таъминлаб, номутаносиблик хавфини камайтиради ва натижада кичик бизнес субъектларининг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Имаева Г. Р. Теоретико-методологические аспекты изучения социальной роли малого и среднего предпринимательства // Мониторинг общественного мнения: экономические и социальные перемены. 2015. №4. С.141-153;
2. Козьма Е.С. Устойчивое развитие малого предпринимательства как показатель развития ПМР // Инновации в науке: научный журнал. – № 1(77). – Новосибирск., Изд. АНС «СибАК», 2018;
3. Кротов И.И. Развитие малого предпринимательства на основе государственных и муниципальных заказов (на примере регионов Российской Федерации). Дисс...канд.экон.наук. – Пермь. 2015;
4. Абулқосимов Ҳ.П., Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. Монография. – Т.: Университет, 2015. – 126 б.;
5. Арипов О.А. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш. Авт.иқт. фан. док. –Т.: 2020 й. 72 б.;

6. Ибрагимова М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг таркибий ўзгаришлар асосида самарадорлигини ошириш (Наманган вилояти мисолида). Автореф. ... иқт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2018.;
7. Муродова Н.Қ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Авт....иқт.фан.док. –Т.: 2016 й. 107 б;
8. Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Дис. ... иқт. фан. д-ри. – Т., 2004.